

Сатри аврат ҳақида

05:00 / 18.01.2017 21302

Инсоннинг аврат жойлари (яъни, ёпилиши лозим бўлган уят жойлари) ва уни қаерда очиш мумкин-у қаерда очиш мумкин эмаслигини билиб олсак. Зеро, жумла уламолар иттифоқига кўра авратни бегоналардан ёпиб юриш шариат тарафидан фарзи айн амаллар сирасига киритилган.

Ҳанафийларнинг энг мўътабар фикҳий матн китобида аврат жойлари ҳақида шуларни ўқиймиз:

اهنطبو اهرهظ عم اذه عمأل او هت ب ك ر تحت ى ل ا ه ت ر س تحت ن م ل ج ر ل ا ة ر و ع و
م د ق ل ل ا و ف ك ل ل ا و ه ج و ل ا ا ل ا ا ه ن د ب ل ك ة ح ل ل ا و

«Эркакнинг аврати киндиги остидан тиззаси остигачадир. Чўриники мана шу (киндик остидан тиззаси остигача) орқа ва қорни билан биргадир. Хур аёлнинг аврати бутун баданидир. Магар, юзи, кафти (бўғимигача) ва қадами (тўпиғигача) аврат эмас». (Убайдуллоҳ ибн Тож уш-шариъа: «Мухтасар ул-виқоя», Қозон-1911 й., 12-бет.)

Демак, Имоми Аъзам мазҳабига кўра, эркакнинг аврат, яъни бегоналардан ёшириши лозим бўлган баданидаги жойлари киндиги остидан тиззаси остигача экан. Яъни, киндик аврат эмас, тизза ва унинг тепаси авратдир. Аёлларнинг юзи, кафти ва қадамидан ташқари бутун баданлари авратдир.

Фикҳий матн китобларимизда келган юқоридаги жумлаларга Имом Дорақутний Ато ибн Ясордан, у эса Абу Айюбдан ривоят қилган ҳадиси шариф далил бўлган. Унда айтилишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деганлар:

ة ر و ع ل ا ن م ة ر س ل ل ا ن م ل ف س ا ا م و ة ر و ع ل ا ن م ن ي ت ب ك ر ل ل ا ق و ف ا م

«Икки тиззадан юқориси авратдандир. Киндик остидан пасти ҳам авратдандир».

Яна Дорақутний Амр ибн Шуайбдан, у эса отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Жаноби Расули акрам (с.а.в.) деганлар:

ة ر و ع ل ا ن م ه ت ب ك ر ى ل ا ة ر س ل ل ا ت ح ت ا م ن ا ف

«Албатта киндик остидан тиззагача авратдир».

Мазҳабимизнинг машҳур китоби бўлмиш «Ҳидоя»нинг соҳиби ривоят қилган ушбу:

ةروعلا نم ةبكرلا

«Тизза аврат жумласидандир», деган ҳадиси шарифни Алий (к.в.)дан Абу Ҳотам ва Дорақутнийлар ривоят қилганлар.

Аёл кишининг эса жумла аъзоси яъни, юзи кафти ва қадамидан ташқари бутун бадани аврат эканлигига Имом Термизий Ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилган:

ةروع ةأرملا

«Хотин киши авратдир» деган ҳадиси шариф ҳужжат сифатида кўрсатилади. Ушбу ҳадисга баъзан «мастуратун» яъни, «ёпиладиган» калимаси ҳам қўшиб айтилади.

Ана энди аврат жойларини кимга кўрсатиш мумкинлиги тўғрисида гап юритмоқчи бўлсак, албатта, яна «Мухтасар ул-Виқоя»га мурожаат қиламиз:

ةبكرلا ىلا ةرسلا نىب ام ىوس لجرلاو ةأرملا نم ةأرملاو لجرلا نم لجرلا رظن ىو
ةديسلاو ةيبنجال نم و دخفلاو نطبلاو رهظلا ءارو ام ىلا هريغ ةمأو همرحم نم و
ةداهشلاو ءاضقلا ةرورضلا دنع الا ةوهشلا نع نألمأل طرشو نىفكلاو هجولا ىلا
ل ىلاو ةرورضلا ردقب ضرملل ءضوم ىلا رظن ىو ةاوادملاو ءارشلاو حاك نلا ةدارا
ةسم لجرل ه رظن لجرل ام و ئطولل امه نىب لجرل نم ءاطعلا

«Эркак эркакнинг, хотин хотиннинг ва эркакнинг киндигидан тиззасигача бўлган жойидан бошқа жойларига қарайди. Маҳрамининг ва бошқаларнинг чўрисининг орқаси, қорни ва сонидан бошқа жойларига қарайди. Ажнабий (ўз маҳрами ҳисобланмаган аёл-қизларнинг) ва (қул) саййидасининг юзи ва икки кафтига қараши мумкин. Назар солганда эса шаҳватдан холи бўлиши шарт қилинди. Магар, зарурат пайтида – ҳукм ўқиш, гувоҳликка тортиш, никоҳини хоҳлаш, савдо пайти, даволаш вақтида қараш мумкин. Зарурат миқдориди касалликнинг ўрнига қарайди. Ораларида жимоъ ҳалол бўлган кимсанинг ҳамма жойига қараш мумкин. Қараш ҳалол бўлган жойни ушлаш ҳам мумкин». (Убайдуллоҳ ибн Тож уш-шариъа: «Мухтасар ул-виқоя», Қозон-1911 й., Китоб ал-кароҳийят, 134-бет.)

Демак, эркаклар эркакларга хотинлар хотинларга киндикнинг остидан тизза остигача қарай олмайдилар. Юқорида тизза аврат эканлиги ўтди.

Киндикнинг аврат эмаслигига яна бир саҳиҳ ҳикоят фикҳ китобларимизда далил сифатида келтирилади. Буни Имом Аҳмад ўз муснадида, Ибн Ҳиббон ўз саҳиҳида, Имом Байҳақий эса ўз сунанида Ибн Авф (р.а.)да, у эса Умар ибн Исҳоқ (р.а.)дан ривоят қилганлар. Ул зотнинг ҳикоя қилишларича, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг неваралари Ҳасан ибн Алий разийаллоҳу анҳу билан Мадина кўчаларидан бирида кетаётганларида уларга Абу Ҳурайраразийаллоҳу анҳу йўлиқадилар. Абу Ҳурайра (р.а.) унга, яъни Ҳасан (р.а.)га қараб: “Сизга фидо бўлай, менга қорнингизни очинг, уни бир ўпайин. Чунки уни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўпганларини кўрган эдим” дейдилар. Ҳазрати Ҳасан (р.а.) қоринларини очганларида Абу Ҳурайра (р.а.) унинг киндикларидан ўпадилар. Агар киндик аврат бўлганида Ҳазрати Ҳасан (р.а.) уни очиб кўрсатмаган бўлардилар.

Юқоридаги фикҳий матнда аёл кишининг эркакка қараши ҳам мумкинлиги айtilган. Бунга сабаб қилиб уламоларимиз эркаклар одатда кўз кўринадиган жойларда иш қиладилар, улар иш жараёнида кўйлақларини ечиб қўйишлари ҳам мумкин бўлади. Аёлларнинг уларга қарашликни манъ қилиб қўйиш одамларга қийинчилик туғдиради. Исломда ҳараж йўқдир. Аммо улар шаҳват билан қарашлари, қараганда шаҳват туғилиши имконияти бўлиб қолиши мумкин жойларда аёлларнинг кўзларини юмиши буюрилади. (Алий ал-Қорий. Шарҳи Ниқоя. 2-жилди, Қозон,1902. 198-бет.)

Ўз маҳрамининг (маҳрам бу бир бирларининг ўртасида насаб, эмишганлик ёки қариндошлик сабабли абадий никоҳи ҳаром бўлганлардир) сони, қорни ва орқасидан бошқа жойларига қараш мумкинлиги тўғрисидаги масъала эса Аллоҳ таолонинг зийнатларини фақат қариндошларига кўрсатсинлар, деган маънодаги ояти каримасидан ишоратан олингандир. Зеро, уламоларимиз юз ва кафтларни зийнат жойлари деб тафсир қилганлари маълум. Имом Табароний ривоят қилишича, Ҳазрати Али ва Ибн Аббос (р.а.)лар “Зийнат бу сурма ва узукдир” деб уларнинг ишлатиладиган жойига ишора қилган эдилар.

Бегона аёлларнинг юзи ва кафти ҳамда қадамига қараш мумкинлиги эса зарурат юзасидандир. Зеро, бу ҳолатдан сақланиш ўта машаққатдир. Аммо қарашда шаҳват бўлмаслиги шарт қилинади. Акс ҳолда ҳаром бўлади.

Аммо ҳукм ўқиш, гувоҳликка чақиришда, уйланиш ниятида шаҳват хавфи туғилганда ҳам қараш мумкин бўлади. Зеро, бундай ҳолатларда суннатнитирилтириш бор. Имом Муслим Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйланишни ният қилган кимсага унга, яъни, ансорий аёлга қарашни буюрганлар. Табиб касални кўриши ҳам

заруратдир. Зеро, шифо ишташ Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амрларидир. Аммо табиб фақат зарурат миқдорида, зарурат жойигагина қарай олади.

Юқоридаги ибораларга Аллоҳ таолонинг ҳижоб ҳақидаги (аниқроғи, аврат жойларини ёпиш ҳақидаги кўрсатмалар баён этилган) оятлари ҳамда Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аврат жойларни кўрсатмаслик тўғрисидаги амрлари далил бўлган. Пайғамбаримиз «Икки кўзнинг зиноси назардир» (Имом Муслим ривоятида) деганлари машҳурдир. Имом Бухорий ҳазратлари Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан: “Кимки бегона хотиннинг чиройли жойларига шаҳват билан қараса, Аллоҳ таоло қиёмат кунда унинг кўзларига қўрғошин қуяди” деган маънодаги ҳадиси шарифни ҳам ривоят қилганлар.

Ўзининг хотининг ҳамма жойига, бутун баданига қараш шаръан жоиздир. Бунга бир қанча ҳадиси шарифлар очиқ далолат қилади. Жумладан, Имом Табароний ривоятида Усмон ибн Мазъун (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг олдиларига келиб: “Эй Расулуллоҳ, мен аҳлим (хотиним) авратимни кўришидан уяламан” деганида, Пайғамбаримиз: “Аллоҳ уларни сизлар учун, сизларни эса улар учун яратгандир” деган эканлар. Шу маънода Ҳазрати Ибн Умар (р.а.) “Лаззатнинг зиёда бўлиши учун қараш авлодир” демишлар.

“Қараш ҳалол бўлган жойни ушлаш ҳам мумкин” деган фикҳий масъала зарурат юзасидан айтилган. Зеро, маҳрамлар орасида шаҳватнинг озлиги, балки одатда умуман бундай ҳолат юз бермаслиги ҳамда бир-бирларининг қўл ёки баданларидан мумкин бўлган бошқа жойларига қўл теккизиш эҳтиёжи доим бўлиб туради. Аммо ушлаганда шаҳват хавфи бўлса ушлаш ёки улар билан холи қолиш асло мумкин эмасдир. (Алий ал-Қорий. Шарҳи Ниқоя. 2-жилди, Қозон, 1902. 201-бет.)

Инсоннинг аврат жойлари борасида батафсил тўхталганлигимизга сабаб, баъзи бир кимсалар жамоа ҳаммомларида тиззалари очиқ ҳолда ёки сувга чўмилиш маконларида бемалол калта иштонларда юраверадилар. Биз баёнини берган иборалардан мақсад бундай ҳолат мусулмонга асло ярашмаслиги, балки гуноҳкор бўлиб қолиши мумкинлигини эслатиб қўйишдир.

Имом Абу Довуд ва Насойлар Яъло (ибн Умайя ёки ибн Мурра) разийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) очиқ жойда ёлонғоч чўмилиб турган кимсани кўриб қолибдилар. Ул зоти шариф келиб, минбарларига чиқиб, Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан

сўнг бундай деган эканлар:

رتتسي ل ف مكدحا لس تغ اذا ف رتست ل او ءاي حل ا بح ي ري ت س ي ح ه ل ل ا ن

«Албатта Аллоҳ таоло ниҳоятда ҳаёли ва ёпгувчидир. У ҳаё ва ёпинишни, бекинишни яхши кўради. Демак, сизлардан бирортангиз ғусл қилса, бас, ёпиниб олсин!»

Бошқа бир ривоятда шу ерда Расули акрам (с.а.в.) бундай деган эканлар:

ئشب زاوت ي ل ف لس تغ ي ن ا مكدحا دارا اذا ف ري ت س ه ل ل ا ن

«Дарҳақиқат, Аллоҳ ғоят ёпунувчан (ҳаёли)дир. Қачон сизлардан биронтангиз ғусл қилишни ирода қилса, бас, бир нарса билан ёпиниб олсин!»

Ибн Ҳажар (р.а.) ушбу ҳадис таҳтида, бу ерда одамлар кўрмаслиги учун ғусл қиладиган жой қуриб олишга даъват бор, дейди ва ҳожатсиз пайтида авратни очиш ҳаромлигига имомларимиз келишганлар, деб ёзади.

Шундай қилиб, ҳаммомларда ёки чўмилиш жойларида одамлар орасида, хусусан, аёл-қизлар кўча-кўйда шариат белгилаб қўйган аврат жойларини очиб юравериш мутлақо мумкин эмас экан. Бундай шариатга бепарво кимсанинг гувоҳлиги (қазо ишларида) шу шариат нуқтаи назаридан эътиборга олинмайди. Мазҳабимизнинг мўътабар китобларидан бўлмиш «Ҳидояи шариф»да бу масъала ҳам эслаб ўтилган:

م ا ر ح ة ر و ع ل ا ف ش ك ن ا ل ر ا ز ا ر ي غ ن م م ا م ح ل ل ا ل خ د ي ن م (ه ت د ا ه ش ل ب ق ت ال ي ا) ال و

«Кимки ҳаммомга иштонсиз кирса, гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунки (бошқалар олдида) авратни очиш ҳаромдир». («Ҳидоя», 3-жилд, Китоб аш-шаҳодат, Деҳли: «Форуқий», 1328 ҳ. 146-бет.)

«Фатҳ ул-қадийр»да «Захира»дан нақл қилинганки, агар ушбу қилмишидан қайтгани билинмаса, шаҳодати, яъни гувоҳлиги қабул қилинмайди. Кейин «Фатҳ» соҳиби яна сўзларини давом қилдирган:

ل ب ق ت ال ه ر ي غ ه ي ل ع س ي ل ل ي و ا ر س ب ق ي ر ط ل ا ي ف ي ش م ن م ن ا ي خ ر ك ل ل ا ر ك ذ ا م ا م و ة و ر م ل ا ب ل خ ي ه ن ا ل ل ب ة م ح ل ل س ي ل ف ه ت د ا ه ش

«Аммо Имом Кархий (р.а.) зикр қилган «Биров йўлда иштонидан бошқа кийимсиз юрса, гувоҳлиги ўтмайди, қабул қилинмайди» деган масъаласи,

(унинг) ҳаромлиги учун эмас, балки бундай юриш мурувватдан эмаслигидандир». («Фатҳ ул-қадийр», 6-жузъ, Китоб аш-шаҳодат, Миср: «Майманийя» (йили кўрсатилмаган), 484-бет)

Яъни, мазҳабимизнинг энг машҳур уламоларидан бири Имом Кархий (р.х.) эркакларнинг иштони бўлса ҳам, яъни авратларини ёпиб, лекин ёлонғоч, қоринларини очиб, масалан, майкада ёки шуртикда юрадиган эркакларнинг гувоҳлиги тан олинмайди, деган эканлар. “Фатҳ”нинг соҳиби Ибн ал-Хумом (р.х.) ҳазратлари бу ҳолатдаги гувоҳликнинг ўтмаслигини ўша ишнинг ҳаромлиги учун эмас, балки макруҳлиги, мурувватсизлиги, ҳақиқий мусулмонга ярашмайдиган ишни бепарво бажараётганлиги учундир, деб изоҳлаганлар. Аммо аёлларнинг бутун бадани (юзи, кафти ва қадамидан ташқари) аврат ҳисобланганидан уларни очиб юриши мутлақо ҳаром ишдир. Агар одамлар орасида бепарво бундай қилиб юраверишлари, уларнинг шариат нуқтаи назаридан гувоҳликлари тан олинмаслигига сабаб бўлади.

Гувоҳлиги эътиборга олинмаслиги мусулмон кимса учун ниҳоятда оғир мусибатдир. Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Танҳо қолганда (ёки хотини билан бирга) ҳаммомда ёлонғоч чўмилиш дурустдир. Ҳеч ким кўрмайдиган жойда ёлонғоч чўмилиш ҳалол эканлигини Ибн Ҳажар ҳам, Али ал-Қорий ҳам қайд қилганлар. «Шарҳ ал-Мунийя»да бу борада бундай фатво берилган:

ليقول هو سأل ال ليق ةولخالى فوحيصلالى ف دحا دنع زوجي ال ةروع ال فشك
عامجلل ةيجوز ةرحتي و لسغلل ةرحتي نا زوجي

«Саҳиҳ қавлга кўра, бировнинг олдида авратини очиш жоиз бўлмайди. Хилватда (ҳеч ким йўқ жойда) эса зарари йўқ, дейилган. Фусл учун ялонғоч бўлиш жоиз бўлади, деган уламолар бор. (Шунингдек,) эр-хотин жимоъ учун ҳам ялонғоч бўлишлари мумкин». (Иброҳим Ҳалабий. “Ҳалабийи кабийр”. Истанбул, Дорус саодат, 1320. 51-бет.)

Ушбу ривоятни Мавлоно Абдулҳай Лакнавий ҳам ўз фатоволарида келтириб ўтганлар. (Абдулҳай Лакнавий: «Мажмуат ул-фатово», Лакнау: «Мунший Навол кишвар», 1911 й. 14-бет.) Аммо ялонғоч чўмилаётганда қиблага юзланмаслик мустаҳаб саналади. (Муҳаммад ал-Ҳаскафий. Дурр ул-мухтор. 1-жилди. -Байрут, Дорул кутубил илмийя, 2003-йил, 291-бет) Шунингдек, уламоларимиз таъкидлашларича, эр-хотин қўшилганларида устларига бирор нима ёпиниб олишлари ҳам мустаҳабдир.

Юқорида айтганимиздек, одамлар кўрадиган жойдагина ялонғоч ювиниш ҳаром ҳисобланади. (Али ал-қори: «Мирқот ал-мафотиҳ», Байрут: «Дор ул-фикр», 1994 й. 2-жузъ, 249-бет.) Зеро, Имом Термизий ва Насоийлар Жобир (р.а.)дан ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деганлар:

رازاريغبمأمحلاللخدديالفرخآلامويلاوهللابنمؤينانم

«Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, ҳаммомга иштонсиз кирмасин!»

Лекин холи қолган пайтда ҳам Аллоҳдан ҳаё қилиб, ёпиниб олиш афзалдир. Тўртта сунанда Баҳз бин Ҳаким (р.а.)дан, у эса отасидан, у эса бобосидан ривоят қилган ҳадиси шариф келтирилган. Унда ровийнинг бобоси Муовия (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан «Бизларнинг биттамыз холи қолганда ялонғоч бўлсак бўладими?» деган маънода савол сўрайди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло одамлардан ҳаё талаб қилишга ҳақлироқдир» деб жавоб берганлар. Ушбу ҳадиси шарифни Имом Термизий ҳасан ҳадис деб, Имом Ҳоким эса саҳиҳ деб ривоят қилганлар.

Шундай қилиб, шариатимизнинг бир кўрсатмаси бўлмиш, ҳар биримизнинг вазифамиз бўлган сатри аврат масъаласини чуқур билиб олиб, унга амал қилишимиз лозим ва лобуддир.

Валлоҳу аълам бис-савоб.

Ҳамидуллоҳ Беруний